

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Муносабат

СОҒЛОМ ОНА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, муҳтарам Президентимиз бошчилигида халқаро меъёрларга мос келадиган Конституциямиз ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мазкур Конституция асосида демократик қонунлар яратилди ва улар нақадар ҳаётий эканлиги бугунги кунда ўз тасдиғини топмоқда.

Мамлакатимизни тараққий эттиришнинг Юртбошимиз раҳбарлигида яратилган ўзбек модели бугунги кунда жаҳоннинг аксарият мамлакатлари томонидан тан олинмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиётини шакллантиришга босқичма-босқич ўтиш нақадар тўғри йўл эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Мамлакатимиз раҳбари айрим собиқ республикалар каби "бозор иқтисодиётига 500 кунда ўтамиз" деган фикрларни инкор этиб, иқтисодиётни сиёсатдан устувор қўйдилар ва бу сиёсат нақадар тўғри эканини барчамиз кўриб турибмиз.

Дунёда ҳукм сураётган иқтисодий инкирозларга қарамай, мамлакатимизда ҳар йили яппи ички маҳсулот 8 фоизга кўпайиши давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканининг исботидир. Дунёнинг бирорта мамлакатидида қисқа давр ичида иқтисодиёт 6 барабар, аҳоли даромадлари 9 барабар ошиши кузатилмаган. Демак, бу – ўзбек моделининг афзаллигидан далолат.

Асосий қонунимизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йилгидаги маърузаларида Президентимиз мавжуд

қонунлар ижросини таъминлашда давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Шундан келиб чиқиб, хотин-қизлар кўмиталари, "Маҳалла", "Нуроний" ва "Қамолот" каби жамоат ташкилотлари янада фаоллашиб, мамлакатимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшиши лозим. Шунинг учун Юртбошимиз фуқаролик институтлари ролини ошириш ҳамда аҳоли дунёқарашини ўзгартириш, яъни бугунги кун билан яшаш эмас, келажакни ўйлаб иш олиб бориш кераклиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Президентимиз томонидан 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинишини халқимиз қизгин кутиб олди. Бу давлатимиз раҳбари келажак авлодга катта эътибор қаратаётганлигининг яна бир ёрқин далилидир. Зеро, юртимизда аёллар, айниқса, оналар саломатлиги ва келажак авлоднинг баркамол ривожланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ҳожимурод ЭРМАТОВ,
"Маҳалла" хайрия жамоат
фонди вилоят бўлими
бошқаруви раиси.



Қомусимиз – бахтимиз

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, мамлакатимизнинг мустақил тараққий этишида эришган барча ютуқлари, аввало, Конституциямизнинг ҳаёتبашх кудрати ва салоҳиятини, унда муҳассам бўлган таъминот, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустақам асосга эга эканини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик йилларидаги кенг қўламли ислохотларнинг янада чуқурлашувида Асосий қонунимизнинг ўрни бекиёс-дир. "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти, унинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Нилуфар Саидахмедова билан суҳбатлашди.

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

– Нилуфар Закиржоновна, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга таъсирини, бекиёс-дир нима-ларда кўринади.

– Умуман олганда, Конституциянинг ижтимоий ҳаётдаги роли бекиёс. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти қонунлар билан тартибга солинади. Агар қонунлар тизимини яхлит иморат десак, Конституция – унинг пойдевори. Иморатнинг мустаҳкамлиги эса, аввало, пойдеворга боғлиқ. Қонун устувор бўлган мамлакатда тинчлик ҳукми суриб, тараққиёт, юксалиш ҳам барқарор бўлади. Аксинча, қонунга амал қилинмаган жойда тартибсизлик, бебошлик авж олади, иқтисодиёт таназзулга ўз тутлади.

Албатта, қонун устувор бўлиши учун у мукаммал ва ҳақиқий бўлмоғи зарур. Қонунлари адолатли ва мукаммал бўлган жамиятда ижтимоий муносабатлар муаммосиз тартибга солинади. Бу, ўз навбатида, шу мамлакат тараққиётига бево-сита ижобий таъсир ўтказиши. Қонунларнинг адолатли ва пухта бўлиши эса, Конституциянинг нечоғли адолатли ва пухталигига боғлиқ. Конституциямиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш,

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим қоидаларини ўзида муҳассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

– Ҳаётимиз Бош Қомусида демократия таъминллари қай даражада ўз аксини топган?

– Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний омиларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фараовонлигини кўзлаб амалга ошириши Бош Қомусимизда асосий таъминллари сифатида белгиланган. Шу қоидалар асосида мамлакатимизда "Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун", деган ғоя амал қилади.

Конституциямиз давлат халқ иродасини ифода этишини, унинг манфаатларига хизмат қилишини, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи Ўзбекистон халқи эканини белгиллаб берди. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқаруви, ижро этуви ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини мустаҳкамлади.

(Давоми 2-бетда).

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил давлатимизнинг асосий қонуни сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, демократик ислохот ва янгиланишларга мустаҳкам ҳуқуқий замин сифатида хизмат қилмоқда. 24 йиллик мустақил тараққиёт жараёнидаги барча ютуқлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлат бошқаруви-нинг энг самарали таъминллари жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларининг шаклланиши ва ривожланишига Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунларнинг изчил амалга оширилиши натижасида эришилди. Президентимиз эътироф этганидек: "Конституциямиз ўз мазмун-моҳиятига қўра, халқимиз тафаккурининг маҳсули бўлиб, у давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитадиган қомусномадир".

(Давоми 2-бетда).

Огоҳлик

Рўзгорини бутлаш, уйни таъмирлаш, яхши яшашни мақсад қилган, аммо ғайир қимсалар тузюгига илинган Гулнозанинг аянчли қисмати ҳақидаги ҳикоя сира ёдимдан чиқмайди.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДАГИ ДЎСТИНГИЗ КИМ?

Гулноза ва Дилноза отаси вафотидан кейин фаррош онасига қўмаклашиш учун тикув цехига ишга қиради. Маошлари ўртача бўлса-да, рўзгор тебратишга етарди. Ҳозирги ёшлар қатори Гулноза ҳам интернетга қизиқар, ижтимоий тармоқлардан бирига тез-тез кириб турарди. Бир кун Гулнозага нотаниш профил ўзгаси дўстлашиш учун сўров юборди. Қиз ҳеч иккиланмай қабул қилади. Ўзини Солиҳа, деб танитган аёл Гулноза билан қисматлари ўхшаш экани, анча қийинчилик кўргани, Яқин Шарқ мамлакатларидан бирида истикомат қиладиган Абдуллоҳ исми бир йигитга турмушга чиқиб, ўша ерга кетгани, ҳозир жуда яхши яшаётганини айтади.

Ёзишмалардан Солиҳанинг мақсади аён эди. Эндигина 21 ёшга тўлган Гулноза буни тушунмади. Йўқса, Солиҳа Гулнозанинг онгига дин шартлари, ислом давлати тузиш учун барча масъул эканини, жиҳод қилиш

зарурлиги, бу йўлда маҳкам туриш кераклигини сингдира олмаган, Гулноза эса Солиҳадан эшитган ва ўрганганларини опаси Дилнозага ипидан-игнасигача гапириб бермаган бўларди. Иш пишди. Солиҳа қўйган қармоққа опа-сингил илинди. Қизлар рўзгорини бутлаш баҳонасида муштираб онасини алдайди. Оназор бунга кўнмайди. Аммо нурийдилларининг қатъий туриб олганини кўриб, ноилоҳ рози бўлади.

Гулноза билан Дилноза Солиҳа юборган пулни олиб, айланма йўллар орқали белгиланган манзилга етиб боради. Солиҳанинг турмуш ўртоғи Абдуллоҳ жангариларга раҳбарлик қилар экан. У қизларни ўзи сингари жиҳод қилиш учун келган йигитларга мажбуран никоҳлаб қўяди. Шу тариқа оила ўтади. Опа-сингил онаси билан хабарлаша олмади. Аввал Гулноза, кейин эса Дилнозанинг эри ҳалок бўлади.

(Давоми 3-бетда).

Маънавият

Бу ёруғ олам мўъжизаларидан бири – олий мавжудот мақомига ноил этилган инсон бошқа жонотлардан ноёб онгу тафаккури билан ажралиб туради. Алалхусус, дунёни "бузғувчи" ҳам, "тузғувчи" ҳам инсон, дея бежиз айтилмаган. Шукрки, дунёни тузғувчи доною донишманд, пири қомил аждодларимиз кўп. Улар – маънавият дарғалари.

АЛЛОМАЛАР ЎГИТИ КАМОЛОТГА ЙЎЛЛАЙДИ

Шу ўринда "маънавият" сўзига Юртбошимиз берган таърифни келтириш жоиз-дир: "Маънавият – инсонни руҳан поклашиш, қалбни улғайтишга қорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бакуват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини

уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".

Алҳол, халқимиз табиатидаги бекиёс инсоний фазилатлар, маънавий юксаклик ўзгаларнинг ҳавасини келтириши шубҳасиз.

(Давоми 4-бетда).

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ҲАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИГА ВИДЕОКУЗАТУВ УСКУНАЛАРИНИ ЎРНАТИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вилоятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларга мулкчилик шакли ва идоравий бўйсинуви-дан қатъи назар қорхона, ташкилот ва муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларни кенг жалб қилиш, уларнинг

1. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А. Бобоҳўжаев), туман, шаҳар ҳокимлари:

тегишли мутасадди идоралар, шунингдек, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди (Х. Эрматов) ва унинг туман, шаҳар бўлимлари раҳбарлари билан биргаликда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсинуви-дан қатъи назар қорхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига, шунингдек, жисмоний шахсларга уларга тегишли бўлган нотурар объектларга ташқи видеокузатув камера ускунасини ўрнатишни ташкил этиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

видеокузатув камераларининг жиноятлар (ўғирлик, талончилик, бе-зорилик ва бошқа жиноятлар) кўп содир бўлаётган ва содир этилиши эҳтимоли катта бўлган ҳудудларга, мавзёлар ич-қарисига, кўчаларга,

фаолият кўрсатётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсинуви-дан қатъи назар қорхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига, шунингдек, жисмоний шахсларга уларга тегишли бўлган нотурар объектларга ташқи видеокузатув камера ускунасини ўрнатишни ташкил этиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

видеокузатув камераларининг жиноятлар (ўғирлик, талончилик, бе-зорилик ва бошқа жиноятлар) кўп содир бўлаётган ва содир этилиши эҳтимоли катта бўлган ҳудудларга, мавзёлар ич-қарисига, кўчаларга,

аҳоли гавжум жойларга қаратиб ўрнатилишига эътибор берилсин.

2. Вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (А. Муслимов), Архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси (Ш. Худойкулов), туман, шаҳар ҳокимлари янги қурилаётган нотурар объектларга, шунингдек, ўз ҳудудларида нотурар қайта қурилиш ишларини амалга ошираётган субъектларга меъморий лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва қурилишни бошлашга рухсат олиш ҳамда топшириш жараёнида бино-иншоотларга ташқи видеокузатув камераларини ўрнатишни тавсия этсинлар.

3. Туман, шаҳар ҳоким-

ликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди (Х. Эрматов) билан биргаликда маҳаллалар ҳудудидаги хонадонлар эгаларига, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларга ташқи видеокузатув камераларини ихтиёрий равишда ўрнатиш тавсия этилсин.

Бунда кўп қаватли уй-жойларга видеокузатув камералари Ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари маблағлари ҳамда уларга тижорат банклари томонидан ажратилмаган кредитлар ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилсин.

(Давоми 3-бетда).

Қонун ҳимоясида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Ҳусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонун қабул қилинган.

ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ – ТАРАҚҚИЁТГА ТЎСИҚ

Ушбу фармон ва қонун билан давлат бошқаруви, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар зиммасига юклатилган вазифалар вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш бўйича" идоралараро Қўшма кўрсатма тасдиқланди. Унда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш ва жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш юзасидан прокуратура, шунингдек, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ҳамда давлат бошқаруви органларининг аниқ вазифалари белгиланган бўлиди.

Шунингдек, мазкур Қўшма кўрсатмани самарали бажаришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг муҳим вазифалари қайд этилди. Тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторлар фаолиятига тўсиқлиқ қилиш, ноқонуний аралаш, асоссиз текширишларни ташқи-қиллаштириш, белгиланган имтиёз ва преференцияларни қўлламаслик каби суиистеъмолчилик билан боғлиқ ҳар бир ҳолат "фавқулодда ҳолат" сифатида эътироф этилиб, уни фож этиш чоралари қўрилиб, айбдор ҳодимларнинг муқаррар (интизомий, маъмурий ва жиноий) жавобгарлиги қатъий таъминланиши белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

Қомусимиз – бахтимиз

– Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирганда, унга киритилган сўнги ўзгаришларнинг мақсади ва мазмун-моҳияти ҳақида ҳам фикр билдириш жоиз. Шундай эмасми?

– Юрбошимиз таъкидлаганидек, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, у ҳамиша ривожланишда бўлиб, олдимизга янги ва янги вазифаларни қўяди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш учун эса, Конституцияга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мазмундаги маърузасида Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурати чуқур ва муфассал асослаб берилди.

Маърузада баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига)"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилин-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ди. Ушбу Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштиришга, давлат ҳокимиятининг урта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, мамлакатимизни янгилаш

чиқанидан кейин ўн кун мuddат ичида уни Олий Мажлис палаталарига қўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақлиф этди. Иккинчидан, Конституцияга парламент томонидан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш институти жорий этилди. Ишончсизлик вотуми тегишлича

этиш учун тақлиф қилинади.

Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилган ва белгиланган тартибда лавозимга тас-

тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан 32-, 78-, 93-, 98-, 103- ва 117-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Шу ҳақда ҳам изоҳ берсангиз.

– Бу ўзгариш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги родини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек, ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўйбга чиқариш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида киритилди.

Абдусамад Йўлдошев суҳбатлашди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Фуқаролик жамияти ҳуқуқ устувор бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланган, давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг эркин иштироки таъминланган, иқтисодий асосини ҳусусий мулк ташкил этадиган эркин фуқаролар макони экани Конституциянинг бир қатор нормаларида ўз ифодасини топган.

Фуқаролик жамиятининг яна бир мезони фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокидир. Конституциянинг 32-моддасига асосан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш

йўли билан амалга оширилади".

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари ҳусусий мулкдир. Конституциянинг 53-моддасида қайд этилишича, "ҳусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир". Умуман, фуқаролик жамиятининг барча мезонлари Асосий қонунимизда ўз аксини топган. Ундаги нормалар асосида ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари давлат ва жамият ҳаётида муҳим роль ўйнамоқда.

Конституция яратиб берган имкониятлар асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига кенг йўл очилди. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда 8100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Сўнги уч йилда улар 22 фоиз ўсди. Хусусан, Тошкент вилоятида 700 дан ортиқ нодавлат нотижорат таш-

килотлари фаолият олиб бормоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ва ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ва модернизация қилиш ҳамда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда. Энг асосийси – ўтган давр мобайнида, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми бўлган, жамоатчилик онгининг юксалиб бориши, фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Бахтиёр ШИРОВ,
ФЖШМҚМИ вилоят
худудий бўлинимаси
етакчи мутахассиси.

Қонун ҳимоясида

ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ – ТАРАҚҚИЁТГА ТЎСИҚ

Шунингдек, текширув, суриштирув ва дастлабки тергов даврида ва ишларни судда қўриб чиқиш давомида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнини асосий тўхтатиб қўйиш ва оқибатда иш ўринлари йўқотилишига чек қўйилиб, ноқонуний ҳаракати натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарар бевосита айбдор ходимлардан ундирилиши қайд этилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, лицензия ва рухсатномалар бериш, коммуникация тармоқларига уланishi, ер ажратиш масалалари "бир дарча" тамойили асосида белгиланган тартиб ва муддатларда ҳал этилиши кўрсатиб ўтилди. Мазкур "бир дарча" давлат хизматлари ягона маркази хизматлари тизими 2016 йилнинг 1 январидан тўлақонли фаолият юртиши белгилан қўйилди.

Қонуний фаолият юртиб, солиқ ва бошқа тўловларни муддатларида тўлаб, мамлакат иқтисодий ривожига муносиб хисса қўшаётган ҳар бир тадбиркорнинг кафолати ҳимоясини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда фаол иштирок этаётган фуқароларни рағбатлантириш чоралари қўриб борилмоқда. Шу билан бирга, фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларини ҳамда уларда йўқотилган иш ўринларини тиклаш мақсадида прокуратура, адлия, солиқ, статистика, рақобат органлари, Савдо-саноат палатаси, банклар ва бошқа идоралар ҳудудий тузилмаларининг жойларда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликдаги ишчи гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳлар ҳар ойда тадбиркорлар, шу жумладан, қўшма ва хорижий корхоналар вакиллари билан учрашувлар ташкил этиб, муаммоларни қонуний ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

Хусусан, ўтган даврда фаолиятини тўхтатган 241 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланиб, 697 та иш ўрни яратилди. Бунда назорат органларининг ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорларнинг қонунийлигини ўрганиб, баҳо бериш,

(Давоми. Боши 1-бетда).

тадбиркорлар фаолиятларини давом эттиришлари учун лицензия ва рухсатномалар бериш, коммуникация тармоқларига уланishi, бино, ер ва кредит ажратиш масалаларини, шунингдек, мавжуд қарздорлик ҳамда бошқа муаммоларни қонунда белгиланган тартибда ҳал этишларига қўмак беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуви, тўқилиш қилиш, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш ҳамда ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъовуз қилиш учун қонунда белгиланган қатъий чоралар қўрилиши таъминланмоқда. Масалан, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги иқтисод бўлими бошлиғи Шарофидинов алкоғоли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишга рухсатнома олиш учун мурожаат этган тадбиркорлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилганлиги учун мазмуний жавобгарликка тортилди.

Жойларда ҳудудий давлат бошқарув органлари ва назорат-текширув идоралари ходимларини жалб қилган ҳолда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Хусусан, вилоят прокуратураси органлари шу йилнинг ўтган даврида 12 минг 743 тадбиркор билан ўтказган 356 та учрашува улардан 8 нафарига 393,6 млн. сўм миқдорда кредит ва бир тадбиркорга 78,3 гектар ер ажратди, 33 нафарига рухсатнома расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиб, 3095 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берди.

Хулоса ўрнида айтганда, тадбиркорликни ҳимоя қилиш, зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериш энг асосий вазифаси эканини чуқур англаган прокуратура органлари давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд идоралари билан ҳамкорликда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун барча салоҳият ва имкониятларини сафарбар этмоқда.

У. АБЛАБЕКОВ,
вилоят прокуратураси
қонунчилик ижроси
устидан назорат бўлими
катта прокурори, адлия
кичик маслаҳатчиси.

Иқтисодиёт



Юқори Чирчиқ туманидаги "MED STANDARD GLASS" масъулият чекланган жамиятида 100 га яқин киши муҳим иш билан банд. 2013 йил ташкил топган корхонада уч хил маҳсулот – ампула, флакон, найча ишлаб чиқарилади. Автоматлашган линия соатида 2400 дона шиша тайёрлаб беради.

МИЖОЗЛАРГА ҲАР ЖИҲАТДАН МАНЗУР

– Табиий найча ишлаб чиқариш жараёни анча мураккаб ва нозик, чунки шиша жуда юпка ва қаттиқ, – дейди корхона раҳбари Шерзод Жўраев. – Озгина хатолик ишни барбод қилиши мумкин.

Корхонада йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, замонавий жиҳоз ва ускуналар чет элдан келтирилди. – Аввалига, бироз қийналдик, – дейди раҳбар. – Чет элдан келтирилган аппаратларни бошқаришни ўрганиш осон кечмади. Энди ишчиларимиз техникани бошқаришда хорижликлардан ҳам ўтиб кетдик.

– Авваллари флаконларни Хитойдан олиб келар эдик, – дейди корхона мижозларидан бири "UZGERMEDPHARM" қўшма корхонаси ижрочи директори Абдурахмон Назаров. – Ҳозир анчагина дурайлари яратилди. Бундай маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани айтиш мумкин бўлди. Энди божхоналардаги навбат устима тўловларсиз заводга келиб, найчаларни харид қилишимиз мумкин.

Корхонада ҳар бир цехга янги замонавий ускуналар ўрнатилган, маҳсулот сифати мунтазам назорат қилинади. Келажакда маҳсулотни ички ҳамда ташқи бозорда кенг реклама қилиш, корхонани йириклаштириш, қўшимча иш ўринларини яратиш режалаштирилмоқда.

Матлуба ИСРОИЛОВА.

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, улар учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳусусий мулк, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишнинг таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўқилишларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши соҳани тараққий эттиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Ушбу Фармоннинг энг муҳим жиҳати тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада эркинлаштириш, айниқса, назорат қилувчи органлар томони-

дикланган Бош вазир кенгайиш ишончсизлик вотуми асосида лавозимидан озод этилса, шу партия ёки партиялар янги Бош вазир номзодини тақлиф этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бу ҳолат сиёсий партияларнинг масъулиятини ошишини таъминлайди.

Тўртинчидан, Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда республика Президентини Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлис тарқатиб юборади.

– Шунингдек, 2014 йил 16 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгар-

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙМОҚДА

"Ангрен нон маҳсулотлари" ҳусусий корхонасида замонавий минитехнологиялар асосида қолипчи нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилаётган.

Корхона раҳбари Шерзод Шокировнинг айтишича, "Ангрен нон маҳсулотлари" ташкил топган 2009 йилда бир хил қолипчи нон ишлаб чиқарилган. Хориждан замонавий печь ва хамир қоритиш ускуналари келтириб ўрнатилган, улар сони тўрт хилга етган. Кунига қарийб 70 минг дона нон ва нон маҳсулотлари тайёрланган.

– Президентимизнинг ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техника-

БЎСТОНЛИҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

Бўстонлиқ туманида бир пайтлар ночор аҳволга келиб қолган пойабзал корхонаси ўрнида Германия билан "BOSTONLIQ PLASTEKS" қўшма корхонаси барпо этилаёпти. 2013 йил қурилиши бошланган би-

нода ҳозир монтаж ишлари бормоқда. 2016 йилнинг март ойидан ишга туширилиши мўлжалланаётган корхона Германиядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланди.

– Корхонамиз кунига тўққиз ярим минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, – дейди бош муҳандис Алишер Тиллабоев. – Иш уч оғинада ташкил этилиб, 630 та ишчи ўрни яратилди. Улар Хужакент, Чорвоқ ва Хумсон қишлоғи фуқарола-

ри бўлиб, 90 фоизи хотин-қизлар.

Бу ерда 4 қаватли уй қуриб битказилиб, иссиқ ва совуқ сув тармоқлари тортилди. Германиядан келадиган меҳмонлар учун қулай шароит яратиш мақсадида 32 ўринли меҳмонхона қурилиши давом этмоқда. Корхона-

га элтувчи 8 километрли йўл ҳам асфальтланди.

Келаси йил баҳордан бошлаб ишлаб чиқариладиган 7 турдаги ип Германия, Туркия ва Хитой каби давлатларга экспорт қилинади.

Нозима РАСУЛОВА,
Даврон АХМАД
олган сурат.

да. Бултур 804 миллион сўмдан ортиқ фойда кўрдик. Шулар ҳисобига келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш ва янги иш ўринлари ташкил этишни режалаштирганмиз.

Ангренда бундай кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу ерда фаолият юритаётган мингдан зиёд ана шундай субъект томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 797 минг 200 долларлик товар ва хизматлар экспорти амалга оширилди. Уларни қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан 29 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилган.

Ў.А.

ЭЗГУ АМАЛЛАР САМАРАСИ



листон" маҳалласида барпо этилган умумий овқатланиш ва савдо мажмуаси мисолида ушбу қарорлар ижросини яққол кўриш мумкин. "Темир ота" деб номланган мажмуа 2 қаватдан иборат. Биринчи қават умумий овқатланиш, иккинчи қават эса турли тадби-

ру тантаналарга мўлжалланган. 1200 киши сифадиган мажмуада 160 киши аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг яридан кўпроги касб-хунар коллежи битирувчилари.

– Бунёдкорлик халқимизга хос хислат, – дейди мажмуа раҳбари Дилбар Алимхўжаев.

ИШБИЛАРМОНГА ИМКОН МЎЛ

дан микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча режали текширувларнинг муддати ўттиз календарь кунидан ўн кунга қисқартирилди. Фармонда белгиланган яна бири тадбиркорлик субъектларида йўл қўйилган хатоларни текширув давом этаётган даврнинг ўзиде тўғрилаш, шу ор-

қали фаолиятининг тўхтаб қолиши ва тугатилишининг олдини олиш таъминланди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва расмийлаштириш, тадбиркор фаолиятига ноқонуний аралашуш, тўқилиш қилиш каби ҳатий чоралар белгилан қўйилди.

Соҳага оид бундай меъёрий ҳужжатлар самараси ўларок, бугун юртимизда ишбилармонлик муҳити тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса халқимиз ҳаёти фаровонлашуви ва юртимизнинг бундада гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда.

Умиджон ТЎЛАЕВ,
"Ўздавнефтегазиспекция"
Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими бош технологи.

Маънавият

Ҳозирги глобаллашув жараёнида "тамаддунга эришдик" дея кўрак келатганлар сохта демократия ва оммавий маданият ботқоғига ботиб бораётгани энди ҳеч кимга сир эмас. Инсон маънавиятига таҳдид солаётган Ғарб маданияти маънавий инқироз даҳшатини энди англай бошлагани ҳам бор гап.

Аммо, бундай қабоҳатдан ҳоли бўлиш ҳар бир халқнинг ўз қўлида: унинг табиати, турмуш тарзига кўп жиҳатдан боғлиқ. Мухтарам Президентимиз ўз халқи ҳақида доим гурур ва ифтихор билан сўзлашлари ҳам чексиз меҳр-муҳаббат белгисидир. "...эзгу фазилят ва интилишлар халқимизнинг қон-қони ва суяк-суягига сингиб кетган, — дейди Юртбошимиз. — Унинг табиати хос бўлган юксак маънавият неча асрларки, бизни не-не бало-қазолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда".

Бу ўринда мамлакатимиз раҳбари аждодларимиз, ота-боболаримиз ибратини назарда тутганлар аниқ ҳақиқат. Зеро, ўзгалар ҳам ўрганса арзийдиган бебаҳо тарихимиз дурдоналари, алломаларимиз кўп. Минг йилликлар қаттиғи бу дуру жавоҳирлар ёдуси ҳамон халқимиз онгу шу-

(Давоми. Боши 1-бетда).

АЛЛОМАЛАР ЎГИТИ КАМОЛОТГА ЙЎЛЛАЙДИ



урини ёритиб турибди.

"Билимни буюк, ўқувни улуг бил, — дейди қомусий илмлар соҳиби, давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожиб. — Бу икки нарсанинг асоси бўлади, билим кимда бўлса, буюклик бўлади".

Унинг замондоши, шоир Носир Хисрав ҳам: "Ақлга илм бирла

бергил кўмак, Ақл бу илмга харидор, демак",

дея илм олишни уқтиради, илмнинг олтиндан афзаллигини таъкидлайди.

Бобокалонимиз Амир Темур ўғитларида эса: "Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни

ўргатувчи мураббийдир", дейилади.

Алломалардан бири Хожа Самандар Термизийнинг фикрлари ҳам шу ўғитларга ҳамоҳанг жаранглайди: "Азизим, улуглиқнинг сабаби ақл ва одобдир. Кимки соф ақл ва қомил фаросатга эга бўлса, пастлик даражасидан улуглиқ мартабасига эришиши мумкин".

Маънавиятимиз осмондаги энг ёрқин юлдуз — Алишер Навоий ҳазратларининг инсон маънавий камолоти ҳусусида фикрлари бисёр: "Адаб кичик ёшдагиларни улуглар дуосига сазовор этади ва бу барокотдан умрбод баҳраманд бўлади". Алҳол, биз азал-азал-

дан одоб-ахлоқ, маънавият, эзгулик каби инсоний фазилатларни, ота-боболар ҳикматиға қулоқ тутишни касб қилган халқимиз. Шоир Хурраийи маънавий қомилликни шундай таърифлайди: "Кимки гўзал қилиб кўрсатдиган унинг чиройи эмас, балки чиройли хулқидир. Чиройли хулқ хуноқ кишини ҳам чиройли қилиб кўрсатади..."

Бу каби холис ўғит, доно маслаҳатлар қарийб минг йиллик тарихимиз адабий муҳитида мангу янграб турган ҳаёт қўшиғига ўхшайди. Улардан ибрат олиб улғайган, маънавий қомилликка эришган алломаларимиз, шукрки, бисёр. Улардан сабоқ олиш, ўрганиш имконияти мустақиллик насаблари билан кенг қулоқ ёзди.

Аждодимиз, шоҳ ва шоир Мирзо Бобур ҳам маънавият оламининг султони Алишер Навоийдек нозиктаб, ўткир дид, фаҳм-фаросат, ақл-заковат беназир инсон эди. Унинг истиқлол йилларида чоп этилган қатор сайланма ва тўпламлари халқимиз маънавий ола-

мини бойитиб турганлиги аниқ ҳақиқат: "Давлатқа етиб меҳнат элини унутма, Бу беш кун учун ўзунгни асру унутма"

ёки "Нафс душмандурур яқин билгил, Дўстум бу сўзумни чин билгил".

Маънавиятимиз дарғаларидан яна бири шоира Зулфиянинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекка бағишланган "Қуёшли қалам" ва истиқлолга шукрона руҳидаги "Хотирам синиқлари" дostonларини ҳам юксак маънавият намунаси дейиш мумкин. Унда инсон қадрини, Ойбек Зарифахонлар сиймоси, истиқлол, ҳуриятнинг қутлуг қадами адоқсиз меҳр, қуқур муҳаббат билан тасвирланади:

"Ҳеч қачон, ҳеч нарса талашмади у. Ҳаёт неъматидан беҳад бахтиёр, Қалб ундаган йўлдан адашмади у, Бир дилин ранжитиб бермади озор..."

ёки "Хурият келдинми — наҳотки келдинг, Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Пинхона соғиндим, пинхона кутдим, Ёмғирга бағрини тутган саҳродек

Сенинг насимингга қалбимни тутдим..." Хуллас, инсон камолоти унинг нечоғлиқ маънавий тарбия кўрганлигига боғлиқ. Унинг бир белгиси китоб ўқиш, мутолаа қилиш. Агар бу қўниқма бўлмаса маънавий тарбиянинг кемтиклиги шу, аслида. Фикри-мизни тадқиқотчи олим Абдурахим Эркаевнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз:

"Инсон онги мураккаб, кўп қиррали тузилмага эга. Унинг асосини инсоний туйғулар — уят, ор-номус, меҳр, гўзалликдан, мардлик ва жасоратдан завқланиш, эзгуликдан қувониш, ёмонликдан азобланиш, ноҳўя ёки ноҳақ қилишдан хижолат чекиш, виждонан қийналиш, ҳақиқатга, адолатга интилиш ташкил этади. Булар инсон маънавиятининг ажралмас бўлагидир".

ёки "Хурият келдинми — наҳотки келдинг, Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Кўзгудаги ўзимиз

АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚМАС

Ёш бола эдим. Меҳмонга борганимизда дастурхондаги ноз-неъматларни кўриб, кўзим ўйнаб кетди. Бейхитёр кўл узатдим. Онам секингина йўталиб, лабларини тишлаб, бошларини сарак сарак қилдилар. Жуда егим келса-да, қўлимни тортидим. Қайтаётганимизда: "Кизим, боғи ишинг яхши эмас, уят бўлади" дедилар. Ўша-ўша мурғак қалбимда шу ибора муҳрланиб қолди: "Уят бўлади". Бизни онам ана шу сўз билан тарбияладилар. Ҳатто, отам бирор ноҳўя сўз айтиб юборсалар ёхуд овозларини баландлатсалар дарҳол: "Адаси, уят бўлади. Фарзандларимиз катта бўлаётми" дердилар.

Тўртинчи синфни тугатганимда акамни уйлантирдик. Отам ўшанда уфатларни билан "гап ерди"лар. Бир гал гапдан озгина ичиб келдилар. Шунда онам секингина: "Адаси, келиннигизни олдида ичиб келишингиз яхши эмас. Уят бўлади, энди қайнотасиз" дедилар шивирлаб. Шу-шу отам ичкилигини қайта оғизларига олмдилар. Ҳатто, келиноийм ҳовли супураётганларида "Келин хижолат чекмасин", дея ташқарига чиқмасдилар. Отам турмушга чиқиб, ҳомиладор бўлганларида онам: "Аданг, ака-укаларинг олдида бундай юришинг ноқулай. Эсон-омон кутулиб олсанг, хоҳлаганча келарсан", дея опамни уйга тез-тез келишига рухсат бермасдилар. Ҳозирчи?!

Иш юзасидан қўшни туманга боришга тўғри келди. Бир хайдошчи: "Мана бунисига ўтиринг, кетамиз", деди. Ўриндиққа чўкишим билан машина жойидан жилди. Ёшгина қиз кўл телефо-

нида ким биландир шанғиллаб гаплашарди. Бу ҳам етмагандек, дам-бадам оғзидаги сақичини шардек шишириб қўярди. Олд ўриндиқда ўтирган онахоннинг гаши келди: "Хафа бўлманг-у, кизим, бундай гапларни ҳолиҳолда айтсангиз яхши бўлади, қолаверса сақич чайнашингиз сизга ярашмади", деди мулоимлик билан.

Киз телефондаги суҳбатдошига: "Кейин гаплашамиз, ақл ўргатадиганлар яна биттага кўпайди", дея пичинг қилганча телефонни ўчирди. Йўл яримлаб қолганда у: "Шу ерда ташлаб кетинг", деди. Хайдовчи эшитмади. "Ўв, тўхтатинг деяман, нима, гарангисиз?" Таксичи: "Ўз, кизим эшитмай қолибман", деди хижолат бўлиб.

— Узининг пишириб е, гаранг, — киз шундай дея машина эшигини қарсиллатиб ёпди.

Хайдовчи машинадан шахд билан отилиб тушди. Арзиманган гап тўстўполонга айланди. Она сути оғзидан кетмаган киз отаси тенги эркак билан "тенг" келди. Бир муддат давом этган моҳирода йўловчи қиз ҳам, хайдовчи ҳам атрофдагилардан уялишмади...

Яқинда маҳалла кўмасига иш билан бордим. Маслаҳатчи опакон тушкун кайфиятда гап бошлади:

— Ёшларни ёш десак, баъзи ота-оналар ҳам андишасиз бўлиб боришмоқда. "Хали кизингиз ёш, аввал бирор касбнинг бошини тутсин" десак, ўз билганларидан қолишмади. Хали вояга етиб улгурмаган ёшгина қизларини қарсиллатиб, овозаси етти маҳаллага еттидан тўй қилиб, узатишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Қиз қайтиб

келди. Энди кунора маҳалла идорасидан ўқларни узилмапти. Уларни яраштиришга ҳаракат қилаётиз. Лекин, қизнинг отаси топармон-тармонлиги боис, қувё томонга "этигисин" йўқ. Эмишки, "Қувё ҳомиладор хотинига егиси келатган нарсаларни олиб бермабди".

Буни эшитиб, тўқсон ёшли Кутби момонинг сўзларини эсладим.

— Чолим билан ўн икки фарзандни вояга етказдик. Набира, эвара, чевараларимни санасам, адашиб кетаман. Невара, эвара келинларимга, аввало, шарм-хаёли бўлишни тайинлайман. Андишаси бор одам фаросатли бўлади. Қарчилиқми, оёғим кўп оғрийди. Ўғилларим: "Онажон оёғингизни уқалаб қўяйми?", дея меҳрибонлик қилишса, йўқ дейман. Чунки, ўғилларим бўлишса-да, уяламан. Аввало, одамнинг юзидан шарм кўтирилмасин, зеро, ҳаёт кетса, уят қочади. Уятни билмаганининг ҳолига вой. Қайси кун кўчаси бошида турадиган қўшимнинг уйида сал тушунмовчилик бўлибди. Аслида қўшим қайнимнинг кенжа ўғли, ёмон йигитмас. Шу эрта-лаб туриб, бадантарбия қилар экан. Боз устига дастурхон устида ҳам, ҳовлида ҳам очик-сочик юриши келинга эриш туюлибди. Гап кўчага оёқлабди. Келинчаққа ҳам, қайнимнинг ўзига ҳам "уят бўлади", деб насиҳат қилдим...

Албатта, ҳар бир ота-она фарзандларининг қомилини қўришни истайди. Одоб, андиша, сабр, қаноат каби туйғуларни қадрлаган ота-она ўғил-қизларига ҳам шу фазилатларни сингдиришга ҳаракат қилади. Дифуза МИРОБИДОВА.

Шахмат

Кейинги вақтда бутун республикада, жумладан Тошкент вилоятида ҳам шахматга эътибор кучайиб, турли ёшдаги ҳаваскорлар ўртасида мусобақалар ўтказиш кенг тус олди. Бу беҳиз эмас. Зеро, шахмат Олимпиадада ўйинларига киритилган спорт турларидан бири. Унга жиддий эътибор берилаётгани шарофати билан болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ташкил этилаётган халқроқ мусобақаларда вакилларимиз юқори натижаларга эришиб, совриндорлар шохсупасидан жой олмоқдалар.

Ўзбекистон Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган навбатдаги турнирда Тошкент, Чирчик, Ангрен, Бекобод шаҳрлари ва Қўйқў, Бекобод, Паркент, Зангиота туманларидан 60 шахматчи ва ҳаваскор иштирок этди. Улар сафига мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрлари талабалари, ўқитувчи, шифокор, пен-

сионерлар ҳам бор эди. Қўйқў тумани ҳокимлиги, 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва бошқа ҳомиёлар ҳамкорлик қилган турнир якунида болалар, ёшлар, қизлар, эркаклар ва пенсионер фахрийлар ўртасида совринли ўринларни эгаллаганларга диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Фахриддин РЕИМОВ.

Биласизми?



Британиялик олимлар қаҳвани аксарият одамлар каби эрталаб эмас, балки кундузи соат 2 да ичган маъқул деб ҳисоблашмоқда. Куннинг иккинчи ярмида одамлар ўзларини бироз чарчандай ҳис қилади ва ҳаёллари жамлай олмайди. Олимларнинг фикрича, айнан шу пайтда қаҳва одамга ёрдам бериши, уни чарқоқдан халос этиши ва эътиборини жамлашга кўмаклашиши мумкин экан.



БЕШ ЁШДАН ЕТМИШ ЕТТИ ЁШГАЧА

Ўзбекистон Конституциясининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган навбатдаги турнирда Тошкент, Чирчик, Ангрен, Бекобод шаҳрлари ва Қўйқў, Бекобод, Паркент, Зангиота туманларидан 60 шахматчи ва ҳаваскор иштирок этди. Улар сафига мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрлари талабалари, ўқитувчи, шифокор, пен-

сионерлар ҳам бор эди. Қўйқў тумани ҳокимлиги, 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва бошқа ҳомиёлар ҳамкорлик қилган турнир якунида болалар, ёшлар, қизлар, эркаклар ва пенсионер фахрийлар ўртасида совринли ўринларни эгаллаганларга диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Фахриддин РЕИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Маънавият:

100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар:

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,

233-58-85 (факс).

233-38-23, 233-48-08.

233-56-03, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳриратини компьютер марказида теришти ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Муқаддас ИСРОИЛОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ